

“ГУЛИ ВА НАВОИЙ” МУСИҚАЛИ ДРАМАСИДА НАВОИЙ СИЙМОСИ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

*Гулбаҳор Ашурова –ТошДЎТАУ
доценти, филология фанлари номзоди*

Алишер Навоий жаҳон адабиёти ва санъатининг улкан сўз санъаткоридир. У улуг шоир, устоз мутафаккир ҳамда инсоният бахт-саодати, халқ осойишталиги, юрт ободлиги, илм-фан равнақи, адабиёт-санъат тараққиёти, маданий ҳаёт гуллаб-яшнаши учун бутун онгли фаолиятини бахшида этган. У ноёб ва истеъдодли шоир бўлибгина қолмасдан, донишманд жамоат арбоби ҳам эди. Унинг беназир шахсияти ва ижодий мероси бугунга қадар кишилар қалбида ҳайрат туйғуларини уйғотиб келмоқда.

Ушбу кичик мақоламизда Навоий фаолияти ва меросининг ўрганилиш тарихи хусусида муфассал сўзлаш имконсиз¹. Аммо, муаммони ойдинлаштириш учун халқ оғзаки ижодида яратилган “*Навоий ва йигит*”, “*Навоий ва қирқ вазир*”, “*Навоий ва Гули*”, “*Мирали ва Султон Суюн*” (“*Мир Алишер ва Султон Ҳусайн*”) туркумидаги афсона, эртак, латифа ва ҳикояларнинг муҳим ўрни борлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, халқ оғзаки ижоди асарларида айнан тарихий фактлар ва воқеалар асос сифатида олинсада, баён қилинмайди. Аммо, мазкур асарларда бу улуг инсон шахсияти ва ижодига бўлган муҳаббат ва ардоқ акс этган. Унинг табиатига хос донишмандлик, вафо-садоқат, саховат, олижаноблик фазилатлари улуғланган. Айрим эртакларда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари боғбон қизи Гули образи билан боғлиқ тарзда талқин қилинган.

¹ Қимматли фактик маълумотлар берувчи бирламчи манбалар сирасига қирувчи Навоийнинг ўз асарлари; Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Жомий, Бобур, Восифий; Лутф Алибек Озар, Сом Мирзо, Ризоқулихон Ҳидоят, Ҳиравий, Мирзо Ҳайдар, Абдулмўминхон кабиларнинг асарлари ва ўзбек навоийшунослигида қилинган ишларни назарда тутилмоқда. (Г.А.)

Юқоридагиларни эшладан муддао шуки, ўтган асрда санъат ва адабиётда яратилган айрим асарлар, хусусан Ойбекнинг *“Навоий ва Гули”* асари, Уйғун ва Иззат Султоннинг *“Алишер Навоий”* драмаларида ўша манбаларга эргашиш ҳоллари кўзга ташланади. Кейинчалик Омон Мухторнинг *“Навоий ва рассом Абулхайр”* роман-дилогияси, Наим Каримов²нинг *“Гули ва Навоий”*³ мусикали драмаси, ўтган асрнинг 90-йилларида Алишер Навоий *“Хамса”*си оҳангларида битилган Шухрат Ризаевнинг *“Маънавият манзиллари: Пьесалар ва мақолалар”* (2008) китобига кирган *“Искандар”* номли икки парда, саккиз кўринишли драмада ҳам бундай интилишлар бўй кўрсатади.⁴

Омон Мухтор, Наим Каримов ва Шухрат Ризаевлар ўз олдида Ойбек, Уйғун, Иззат Султонлар қаламига мансуб достону драмалардан *“ўтказиб нимадир дейиш, ифодалаш”* вазифасини қўйишмаган. Агар диққат қилинса, Ойбек *“Гули ва Навоий”*да халқ афсоналарига таянгани, Уйғун ва Иззат Султон драмасида бунга қўшимча тарзда Навоий образига кўчган аксарият сифатлар шоирнинг ўз асарларидан олингани аён бўлади. Агар бу асарлар қиёсга тортилса, қаҳрамонлар рухий олами ифодасида муайян нуқталарда муаллифлар қарашлари бирлиги юзага келади. Бу ҳол Наим Каримов мусикали драмасида устозлар тажрибасидан ижодий ўзлаштиришга уринилганини тасдиқлайди.

Бинобарин, сўз юритмоқчи бўлганимиз Наим Каримоов қаламига мансуб мусикали драмада фольклор мотивларига эргашиш кўзга ташланиши мутлақо тасодифий эмас. Чунки, асрлар қаъридан жилға каби сизиб етиб келган ўзбек эртаги бизни Алишернинг уйланмасдан танҳо ўтиши асроридан воқиф этгандай бўлади. Қолаверса, муаллиф салафлари анъанасига эргашиши ҳам адабиёт тарихида кўп учровчи ҳодисалар сирасига киради.

² Каримов Наим.-Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор.

³ Каримов Н. Гули ва Навоий. Мусикали драма. Тошкент., “Шарқ юлдузи”, 2013 йил, 6-сон., -Б.63-83.

⁴ Ризаев Шухрат. Қаранг: Маънавият манзиллари: Пьесалар ва мақолалар. -Тошкент, Ғафур Ғулوم номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2008. -Б. 4-33.

Масаланинг мантиқий асосларидан бири шундаки, бизнинг ишониш ва ишонмаслигимиздан қатъий назар, ўша эртақда улуғ бобокалонимиз Алишер ва унинг дил малҳами бўлмиш Гулининг азиз сиймоси яратилган ва ҳамон яшаб келмоқда. Агар, олис ўтмишда шоир қалбида ишқ шарораси ёнмаганида, эҳтимол Ширину Лайлилар образи ҳам бу қадар тиниқ ва нафис оҳангларда яратилмаган бўлармиди. Зеро, ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат, фидокорлик ўзининг барча ранглари билан Навоий қалби оташу хароратидан тафт олади. Мусиқали драма муаллифи асар бошида айтганидай:

Эртақ тинглаб эришамиз биз камолотга,

Зеро, ундан эсиб турар ўтмиш нафаси.

Яшай берсин авлодлардан ўтиб авлодга

Гули билан Алишернинг фоже қиссаси⁵.

Дарҳақиқат, инсон тақдирининг фоже бу қиссаси турли даврларда адабиёт ва драматург эрки, ижодий-эстетик идеали нуқтаи назаридан ҳар хил талқин қилинган. Масалан, ўз даврининг фарзандлари бўлган Уйғун ва Иззат Султон драмасида характерлараро муносабатлардан синфий ва ижтимоий конфликт излашга уринишлар кўзга ташланади. Муҳими шундаки, тарихий шахсларга ёндашувдаги бу каби бирёқламалик ҳоллари мустақилликнинг эркин тафаккури устувор бўлган бугунги даврда буткул бартараф этилди.

Наим Каримов халқ эртаги асосида ёзган “*Гули ва Навоий*” мусиқали драмас уч парда ва ўн бир кўринишдан иборат. Асарнинг бош қаҳрамонлари: Алишер Навоий ва унинг севгилиси Гули. Драма воқеаларида шоирнинг дўсти Хусайн Бойқаро, устози Жомий, укаси Дарвешали, вазир Мажидиддин, машҳур рассом Бехзод, Гулининг дугоналари: Сарвиноз, Гулноз, Феруза, Шаҳноза, Анора, Ситора, отаси Солиҳ боғбон, шунингдек, Бобо, Ҳарам оға каби қаҳрамонлар иштирок этишади. Муаллиф мусиқали драмада ўрни билан Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро (*Хусайний*) ғазалларидан ўрни-ўрнида

⁵ Каримов Н. Гули ва Навоий. Мусиқали драма. Тошкент., “Шарқ юлдузи”, 2013 йил, 6-сон., -Б.83.

фойдаланган. Шубҳасиз, барча образларга муфассал тўхталмасдан, асосан Навоий сиймосининг поэтик талқини масаласига тўхталамиз.

Асар муқаддимасида Навоийнинг умри поёни ва шунга монанд рангин табиат манзаралари, яъни куз фасли ва қуёш ботиши тасвирланади. Хазонрез фасл қишнинг даракчиси. Дунё чархи шу тахлит давом этиши, умрнинг оқар дарёдай шиддат билан кечишию дунё бевафолиги, яъни боғ яратган ҳам, даврон сурган ҳам бу дунёни тарк этиши муқаррар эканлиги шоирнинг қуйидаги ҳикматли маҳзун ўйлари билан ифода этилади:

*“Қағ-қағ” дея келар қарғалар,
Аммо кетар не-не дарғалар⁶.*

Дарҳақиқат, Навоий умри поёнида амални ғаним ва қаламни дўст деб билгани айни ҳақиқат. Бу ҳаёт ҳақиқатини англаган шоир кўнглида армонлар тўлиқ эди. Наҳотки, у қилган ишлари ва амалларидан норози бўлаётган бўлса. Йўқ, бизнингча, шоир кўнгли умрини буткул ижодга бахшида этолмаганидан надоматда. Чунки унинг нигоҳи макон ва замон чегараларини кечиб, келажакка тикилган. Шоир она тилисида битилган ва форсийда ёзилган мактубларидан баҳра олиб, ҳукм чиқарувчи донишманд китобхон дидига ишонган ҳолда, туркий лисондаги асарлари ҳар иккала тил соҳибларига манзур бўлишидан масрурлик туйган ҳолда: *“... умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи энмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни бежанмагай”⁷*, дея истиқболга умид назари билан боққан эди. Навоийнинг барча асарларига яхлит назар солинса, аслида уни қийнаган инсон тийнатидаги жаҳолат, нафс илинжидаги турфа эврилишлар, хусусан ҳасад ва иғво экани ойдинлашади.

Наим Каримов Гулининг очундан эрта кетиши, Алишернинг оила саодати, фарзандлар бахтидан маҳрум ўтган умрини айнан ўша ноқис иллатлар билан боғлаб талқин этади. Муаллиф бу фикр тасдиғини шоир дostonларининг Ширин-Фарҳод, Лайли-Мажнун, Дилором-Баҳром, Мехр-

⁶ Каримов Н. Ўша асар. -Б. 64.

⁷ Алишер Навоий. МАТ., Муҳокаматул-луғатайн. Тошкент., “Фан”, 2000.-Б.27.

Суҳайл сингари жуфтликлари поэтик талқинларидан қидиради. Ахир, бу қаҳрамонларни яратган Навоий: Ширин, Лайли, Дилором ва Меҳрдаги ишққа Гулидан қиёс олмаганмикин?

Дарҳақиқат, Навоий яратган қаҳрамонларнинг муҳаббати орқали ҳақиқат ва ҳаққа, юксакликка етгани шубҳасиз. Бас, шундай экан, унинг Гулига ва Гулининг шоирга бўлган муҳаббати миқёси асарларидаги қаҳрамонларнинг туйғуларидан бир неча баравар юксак бўлганлиги шубҳасиз. Бизнингча, Наим Каримовнинг юқоридаги каби ўйлари Гули ва Навоийнинг фоже, ибратли тақдири ҳақида ёзишга туртки берган факторлардир.

Драматург Навоийни улуснинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлида Шарафуддин сингари тадбиркор бекларга таянувчи фидоий жамоат арбоби сифатида ҳам тасвирлайди. Айрим ўринларда Алишер - камтарин инсон, онаизор руҳи покига садоқатли фарзанд, устоз Жомий қошида мусаллам шогирд қиёфаларида намоён бўлади. Муҳими шундаки, муаллиф талқинида Навоий одамларни фақат иқтисодий имкони нуқтаи назаридан сарой аёнлари ва фуқарога ажратади. Аслида эса, инсонни табақасига кўра эмас, балки кўнглидаги яхшию ёмон сифатларига кўра фарқлайди. Айни шу жиҳати билан мусикали драмадаги бу образ шўро даврининг синфийликка асосланувчи талқинларидан ажралиб туради. Алишернинг Гули билан бўлган мулоқот асносида айтган сўзларига диққат қилайлик: *“Яхши инсон - йиртиқ тўни, йиртиқ кўйлаги билан ҳам гўзал. Гулнинг тўни қирқ ямоқ бўлса ҳам, ҳусну уфори инсон зотини мафтун этмасми? Зуҳал баланд осмонда тургани билан Шарқ қуёши бўлолмас, дев жаннат либосларини кийгани билан пари бўлолмас.”*⁸

Яхшилик ва ҳиммат-саҳоватни улуғлаган драматург унинг қарама-қаршисига макр-ҳийла ҳамда ҳасадгўйликни қўяди. Наим Каримов асардан кўзланган мазмунга мос табиий қиёслар изларкан, Гули ва Навоийни кумрига, Мажидиддинни бойўғлига менгзайди. Чунки, асосий урғу ишқ-

⁸ Каримов Н. Ўша жойда. -Б. 72.

муҳаббат ва унинг фоже якуни ифодасига қаратилган. Характерлар мантиғига кўра драматург шоирни ёр васлига интизор ошиқ сифатида очишга интилган. Шундай бўлса ҳам, сюжет ривождаги кескинлик икки дўст ўртасидаги сунъий зиддиятга эмас, балки кўнгил тилакларининг тўқнашуви билан ривожланади. Яъни икки навқирон ёш (*Алишер ва Гули*) нинг муҳаббатидан мутлақо беҳабар тарзда Султон Ҳусайн ҳам ўша қизни севиб қолади. Бироқ, тақдирнинг бу синови Навоийга ҳам, Гулига ҳам жуда қимматга тушади.

Драматург Навоийнинг дўсти ва мамлакат ҳукмдори фармонини адо этиш тилагида ноилоҳ Солиҳ боғбон хонадони - ўз гуландони қошига совчи бўлиб ташриф буюрган лаҳзаларни гоётада табиий чизган. Алишернинг қайғу-алам қиличи қалбини садпора қилган вазиятларда ҳам тақдирга ризо бир мўмин сифатида руҳий-психологик драмани ишонарли тасвирлашга эришган. Фақир кишининг елкасидаги залворли юк, унинг маҳзун ҳолатидаги руҳий зилзилалар китобхон туйғуларини мувозанатдан чиқаришга қодирлиги билан ҳам эстетик қиммат касб этади. Ҳукмдорнинг илтимосу хоҳиш-иродаси фармон мақомига эга эканини яхши англаган Алишергина эмас, Гули ва Солиҳ боғбонлар ҳам тизгинсиз изтироб оғушида, ночор аҳволда қолишади. Аммо, қизиғи шундаки улўғвор инсон Навоий Султон Ҳусайнни олижаноб ва маърифатли инсон, юраги ишқ дардидан баҳраманд ошиқ, деб билади ва ундан нафратланмайди.

Дарҳақиқат, шоҳ Гулини саройга чўри ва канизак эмас, балки малика бўлиш учун чорлайди. Икки марта рад жавобини олгач эса, мажбуран олиб келтиради. Бироқ, шоҳ мамлакат ҳукмдори бўлсада, инсон кўнглига ҳукм ўткази олмайди. Яъни, садоқату вафода тенгсиз, “*қайсар қиз*” ни бўйин эгдиришга ожизлик қилади. Шоҳнинг ўзи ҳам озурда ҳолига малҳам, кўнглига таскин ахтарувчи бир банда ўлароқ беҳад қийналади. Шунга қарамасдан, “*келин*”нинг илтимоси билан никоҳ кечасини қирқ кун кейинга суради. Демак, мусикали драманинг муваффақиятли жиҳатларидан бири: аёл (*кенг маънода инсон*) дилини англамоқ азалий жумбоқ экани таҳлили ва

поэтик тадқиқида намоён бўлади. Яъни, Гули қошида иложсиз қолган шох образининг ишончли яратилиши ҳам асарнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган омиллардан биридир.

Муҳаббат дардида ўртаниб белидан қувват, оёғидан дармон, кўзидан нур кетиб қирқ кунлаб ётиб қолган Навоий баъзи бир жиҳатлари билан эртақ ва дoston қаҳрамонларига ўхшаб кетади. Айни пайтда, нозиктаъб бу инсоннинг шундай аҳволга тушиши реаллиги билан ҳам бизни ишонтира олади. Унинг дўстлик ҳурмати учун пинҳон тutilган “*сир*”и ошкор бўлиши характерлар драматизмининг кулминацион нуқтасидир. Чунки, шоирнинг бу дил изҳори шохни ҳам икки ўт ўртасига ташлайди. Айни шу нуқтада Султон Ҳусайн дўстлик ва ишқ исқанжасида қолиб саросар кезади, ўртанади.

Мусиқали драма охирида “*бевафо шоири*” кўлида омонатини топширган Гули покиза муҳаббати ва садоқати билан бу дунёни тарк этади. Унинг вафотидан бирдай ўртанган икки дўст руҳиятидаги бўронларга хос мунгни фақат “*Не наво соз айлагай*” ашуласигагина сиғдириш мумкин эди. Бирок, драматург асарни маҳзун кайфият ритми билан тугатишни истамайди. Шунинг учун ҳам, асардаги мунгли куй секин-аста ҳаётбахш оҳанглар билан бойиб боради. Бу эса, улуғ шоир ардоқли хотираси ва тақдирининг замонлар оша яшовчанлигига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.